



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



Empowered lives.
Resilient nations.



**ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ
ҲИСОБОТИ**

20/19 йил

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, БМТ Тараққиёт Дастури, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ёки АҚШ ҳукуматининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.sud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org интернет сайтларида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон: (+998 71) 239-02-67

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2020.

© АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), 2020.

© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2020.

Мундарижа

3	Кириш
5	Суд тизимидаги муҳим янгиликлар
9	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонунчилик ташаббуси
9	Қонун ижодкорлиги
10	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш
11	Судьялар таркиби
12	Олий суд фаолияти
13	Сайёр суд мажлислари
15	Моддий-техник таъминот
16	Халқаро алоқалар
18	Жиноят ишлари бўйича судлар фаолияти
19	Маъмурий судлар фаолияти
20	Иқтисодий судлар фаолияти
21	Фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолияти
22	Суд ҳужжатлари ижроси

Кириш

Бугунги кунда жадал суръатларда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ҳеч бир инсон эътиборини четда қолдирмаяпти. Ислоҳотларнинг асл мақсади янги даврни, янги Ўзбекистонни яратишдир.

Ушбу эзгу мақсадларга эришиш жараёнларида биз ўзимиз устимизда кўпроқ ишлашимиз, олдимиздаги вазифаларни виждонан бажаришимиз ва энг асосийси халқ манфаатларидан келиб чиқиб иш тутишимиз ва халқ билан кўпроқ мулоқотни йўлга қўйишимиз керак. Бундай маралларга эришиш учун бизга албатта содиқ, ватанпарвар, ўз касбини севадиган кадрлар зарур бўлади. Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев табири билан айтганда:

“Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик ҳукмрон бўлиши керак”.

Ўзбекистон Республикаси 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларида белгилаб берилган вазифалар Ўзбекистонда чинакам мустақил ва адолатли судни яратишга қаратилган.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш бўйича 2019 йил 18 январда Олий суд раиси томонидан “Йўл харитаси” тасдиқланди. Судларга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича салмоғли ишлар давом эттирилди. Жумладан, фуқароларга янада кўпроқ имкониятларни тақдим этувчи www.mysud.uz интерактив хизматлар портали ишга туширилди. Фуқаролик ишлар бўйича судлар, жиноят ишлари бўйича судлар, иқтисодий ва маъмурий судларнинг фаолиятига оид статистик маълумотларни ўзида мужассам этган www.stat.sud.uz веб-сайти яратилиб, фаолияти йўлга қўйилди.

2019 йил давомида судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, апрель ойининг 30 санаси, май ойининг 15 санаси, ноябрь ойининг 22 санаси ва бошқалар тадбирлар шулар жумласидандир. Ҳафтанинг ҳар шанба куни фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари учун “очик эшиклар куни” деб эълон қилиниши ҳам судлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ишлари шиддат билан ўсиб бораётганидан далолатдир.

Ушбу рисолада судлар фаолиятининг 2019 йилда амалга оширилган ишлари тўғрисида маълумотлар умумий кўриниш ҳосил этиш учун лўнда қилиб ифодаланган.



Суд тизимидаги муҳим янгиликлар



ЯНВАРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор билан судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича янгича замонавий тизим яратилиб, ушбу вазифаларни амалга оширувчи Судьялар олий кенгаши ҳузурида **Судьялар олий мактаби** ташкил этилди;


Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 9-сонли “Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларининг, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи аъзоларининг, шунингдек, уларнинг оила аъзолари **пенсия таъминоти** шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби белгиланди. Ушбу Низомга мувофиқ судья сифатида камида 15 йиллик иш стажига эга бўлган эркаклар — 60 ёшга тўлганда ҳамда аёллар — 55 ёшга тўлганда судьялик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлди. Бу билан судьяларнинг ижтимоий ҳимоя чоралари кучайтирилиб, пенсия давридаги моддий таъминоти оширилди.



МАРТ

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 мартдаги “Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-531-сонли Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунга асосан медиация низони суд тартибида кўриш жараёнида ҳам қўлланилиши мумкинлиги ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва Иқтисодий процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Суднинг ёки ҳакамлик судининг иш юритувида айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда, шунингдек тарафлар ўртасида **медиатив келишув** тузилиб, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божини қайтариб бериш тартиби жорий этилди. Иқтисодий **судларда соддалаштирилган тартибда иш юритиш** тартиби киритилди.





АПРЕЛЬ

Навоий вилоят судлари **брифинг** ўтказди. Навоий вилоятининг жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлари раислари суд-ҳуқуқ соҳасидаги янги қонун ҳужжатлари, судлар томонидан кўрилган ишларнинг умумий таҳлили, шунингдек иш тоифалари таҳлили юзасидан ОАВ вакиллари учун ахборот берди. Шунингдек, судларда кўрилган ишларнинг статистик таҳлили ҳам ёритилди. Бунда қайси тоифадаги ишларнинг сони ошиб қайси бирлариники камайиб бораётганлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди. Бундай брифингларни ташкил этишишдан мақсад судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик вакиллари билан яқин ҳамкорликни ўрнатишдир.

тегишли ўзгартириш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, судлар томонидан қонун нормаларини бир хилда тўғри қўллаш ҳақида тушунтириш бериш, ягона суд амалиётини таъминлашдан иборатдир;

Ўзбекистон Республикаси “Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-536-сонли Қонунига асосан суд тизимида амалга оширилган ислохотларга мувофиқ Суд тизими ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур Низомдаги тузатишлар Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилиши муносабати билан амалга оширилди.



МАЙ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум мажлиси. Пленум мажлисида **3 та қарор лойиҳалари** муҳокама қилинди. Жумладан, “Жиноят ишларини назорат тартибда кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”, “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида” ва “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси нормаларини биринчи инстанция судида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорлари қабул қилинди. Уларни ишлаб чиқишдан ва уни татбиқ этишдан асосий мақсад айрим қонун-ҳужжатларга киритилган



ИЮЛЬ

Олий суд раиси ўринбосари Х. Ёдгоров ва судьялар иштирокида Сурхондарё вилоятида **ҳалқ билан очиқ мулоқот** ва сайёр қабуллар ўтказилди. Унда жами 108 та фуқаролар турли масалалардаги мурожаатлари билан иштирок этишди. Мурожаатлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, тегишли тартибда ҳал этилди. Шунингдек, Хотин-қизлар қўмитаси, Оила илмий маркази билан ҳамкорликда ажралиш ниятида бўлган оилалар билан очиқ мулоқатлар ҳам ташкил этилди. Оиланинг нечоғли муқаддаслиги, турмушни асраб-авайлаш, фарзандларнинг камолини кўриш қанчалик муҳимлигини ўзида акс эттирувчи **“Фарзанд омонат”** ва **“Ота”** номли қисқа метражли видео фильмлар илк бора сайёр қабулларда намойиш этилди.



СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-566-сон Қонуни. Ушбу Қонун билан судьялик лавозимларига биринчи марта тайинладиган номзодлар қуйиладиган талабларга ўзгартириш киритилиб, уларнинг **ёш цензи ўттиз беш ёш** деб белгиланди. Шунингдек, Судьялар олий кенгашининг ваколатларига ҳам бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, эндиликда Ҳарбий судларнинг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг раислари ва судьяларини лавозимга тайинлашда ва озод этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш бекор қилинди. Худди шундай, Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман (шаҳар) судларининг раислари ва судьялари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тайинладиган бўлди;

Навоий вилояти Навбаҳор туманида фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро суди ва Навбаҳор туманлараро иқтисодий суди учун замонавий бино барпо этилди ва фойдаланишга топширилди.



ОКТАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2019 йил 12 октябрдаги СҚ-519-III-сонли “Ўзбекистон Республикаси **судьяларининг махсус кийими** тавсифи ва намунасини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси судьяларининг махсус кийими тавсифи ва намунасини тасдиқланди. Эндиликда судьялар суд мажлисини махсус кийимда олиб борадилар;

Самарқанд вилояти Тойлоқ ва Иштихон туманларида тўртта судни ягона бинода мужассам этиган янги бино барпо этилди ҳамда фойдаланишга топширилди.





НОВАБРЬ

Аҳолининг суд идоралари билан боғлиқ муаммоларини ҳал этилишига кўмаклашиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини юксалтириш мақсадида Олий суд раиси судьялари билан биргаликда Андижон вилоятида **сайёр қабул** ўтказди. Унда 145 нафар фуқаро иштирок этиб, турли масалалар юзасидан мурожаат қилишди. Мурожаатларнинг 20 таси тегишли судлов ҳайъатларига кўриб чиқиш учун юборилди, 20 та ариза Олий суд томонидан назорат тартибида ҳал қилиш учун қабул қилинди. Қолган мурожаатларнинг 58 таси жойида ижобий ҳал этилган бўлса, 87 та мурожаат бўйича фуқароларга ҳуқуқий тушунтириш, тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Жиззах вилояти Зомин туманида фуқаролик ишлари бўйича Зомин туманларо суди ва Зомин туманларо иқтисодий суди учун замонавий бино барпо этилди ва фойдаланишга топширилди.



ДЕКАБРЬ

2019 йил 24 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум мажлиси бўлиб ўтди. Пленумда **“Судларда қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш тўғрисида”**ги қарор лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур лойиҳа қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижасида ишлаб чиқилди. Ушбу қарор мазмун-моҳияти қонунларни аниқ ва бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантиришга қаратилган.



Қонун ижодкорлиги

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 2019 йил давомида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда 31 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилган.



Ҳуқуқий адабиётлар



38 та судья ва фуқаролар учун турли ҳуқуқий масалалар бўйича амалий қўлланмалар тайёрланиб бепул тарқатилди.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш



судларга **497 494** нафар шахсга нисбатан қўзғатилган

414 889 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар бўйича маълумотлар ахборот тизими орқали келиб тушган



879 763

ижро ҳужжатлари электрон шаклда юборилган

1,5 млрд. сўмлик
508 та тўлов амалга оширилган

<http://my.sud.uz>



судья ва суд ходимларининг шахсига доир маълумотлар ҳисоби



Судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизими Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратуранинг “Жиноят ҳуқуқий статистикаси” ва Мажбурий ижро бюроси, Давлат хизматлари агентлиги ахборот тизимлари, Юридик ва жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базаси, Марказий банкнинг электрон тўлов тизимига интеграция қилинган.



19 449 та суд мажлиси **ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА** режимидан фойдаланган ҳолда ўтказилган, натижада тарафларнинг тежаб қолинган маблағи тахминан

12,8 млрд. сўм

Судьялар таркиби

Жами судьялар
1191
нафар

2018 йилга нисбатан судьяларнинг сони **15%** кўпайган

2018 йилга нисбатан судьялар бўш ўринлари сони **54%** камайган



1045 нафар
эркак



146 нафар
аёл



2018 йилга нисбатан эркак судьяларнинг сони **18%** кўпайган

2018 йилга нисбатан аёл судьяларнинг сони **1%** кўпайган

Судьяларнинг миллати:

1126
нафар

Ўзбек

44
нафар

Қорақалпоқ

5
нафар

Қозоқ

7
нафар

Тожиқ

1
нафар

Рус

8
нафар

бошқа миллат вакиллари

2019 йилда тайинланган судьялар сони
408
нафар



363
эркак

45
аёл

- 18** Олий суд судьялари
- 82** Ҳарбий суд судьялари
- 127** Фуқаролик ишлари бўйича судлар судьялари
- 97** Жиноят ишлари бўйича судлар судьялари
- 80** Иқтисодий судлар судьялари
- 4** Маъмурий судлар судьялари

Судьялик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган
46
нафар



42
эркак

4
аёл

1 нафар судьянинг ваколати тўхтатилган

Олий суд фаолияти


2019 йилда Судлов ҳайъатлари томонидан
жами кўриб чиқилган ишлар **3912** та

2018 йилда
3157 та

назорат тартибида **3889** та
биринчи инстанция
тартибида **23** та

2018 йилда
1 та

Назорат тартибида кўрилган ишлар сони




САЙЁР СУД МАЖЛИСЛАРИ



Судлов ҳайъатлари томонидан жами **96** та ишлар сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилган




Қуйи судларнинг сайёр суд мажлислари



Олий суд томонидан ўтказилган
сайёр қабулларнинг миқдори

5 076

Олий суд раиси
томонидан




10 371

Олий суд раиси
ўринбосарлари ва
судьялар томонидан

-2019-

-2018-




Ўзбекистон Республикаси
Президентининг виртуал ва халқ қабулхоналари
орқали судларга келиб тушган мурожаатлар

58 239 та



14 252
Олий судга

қуйи судларга
43 987



Моддий-техник таъминот

Иштихон ва Тайлоқ туманларда **4**та суд жойлашишига мўлжалланган **ЯНГИ БИНОЛАР** топширилди

18 та янги суд биноси **ҚУРИЛДИ**

177 та суд мажлиси заллари қайта таъмирланиб **ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА** ускуналари билан тўлиқ таъминланган

140 та суд бинolari **ТЎЛИҚ ТАЪМИРЛАНДИ**

116 та судларда суд мажлислари аудио ва видео қайд этилган

Хоразм вилояти маъмурий суди биноси **РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНДИ**

7 та суд бинolari **РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНДИ**





Халқаро алоқалар

25 та халқаро конференция, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилди

47 та хорижий судлар ва халқаро ташкилотлар билан учрашувлар ташкиллаштирилди



Россия Федерацияси Олий суди қошидаги Суд департаменти делегациясининг ташрифи

2019 йилнинг 23 – 27 сентябрь кунлари Олий суд биносига бош директор В.Агеев бошчилигидаги Россия Федерацияси Олий суди қошидаги Суд департаменти делегацияси ташриф буюрди.

Делегация аъзолари 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга тадбиқ этиш бўйича амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижалари билан танишиб чиқдилар. Замонавий информацион технологиялар, ҳужжатлар алмашувининг электрон тизими, ҳамда Олий суд веб-сайти орқали

фуқароларга тақдим этилаётган интерактив хизматлар соҳасидаги судларнинг ютуқлари тўғрисидаги тадмот бўлиб ўтди. Мамлакатимизда олиб борилаётган судья ва суд ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминотини такомиллаштириш борасидаги ишлар тўғрисида делегация аъзоларига маълумот берилди.

Маълумот учун: Россия Федерацияси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўртасидаги амкорлик тўрисидаги келишув 2018 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий суди делегациясининг Россия Федерациясига бўлган ташрифи доирасида имзоланган.



Халқаро конференция

2019 йил 13-14 июнь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий суди инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, “Тараққиёт стратегияси” маркази, БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси, ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бўйича бюроси, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар офиси Координатори, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва Германия халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик фонди

(IPZ) билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий судлов тизими: замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзuida халқаро конференция ташкил этилди.

Мазкур тадбир ўтган йил Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича бутун дунё Декларациясининг 70-йиллигига бағишлаб ўтказилган Осие форуми якуний натижаларини амалга тадбиқ этиш учун ишлаб чиқилган “Йўл харитаси” талабидан келиб чиқиб, ўтказилди.



Вилоят судларига амалга оширилган пресс-тур ва “Судларнинг очиклиги ва ошкоралиги – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили” мавзусидаги халқаро “давра суҳбати” якунлари

Олий суд, АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТнинг Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида, 2019 йилнинг 10-12 декабрь кунлари Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро вилоятлари судларига пресс-тур амалга оширилди.

Пресс-турда миллий ва хорижий журналистлар, хорижий адвокат, шунингдек, Diplomat TV телеканали вакиллари иштирок этиб, фуқаролик ишлари бўйича Оқолтин, Ғаллаорол,

Тайлоқ, Ромитон туманлараро судлари, Оқолтин, Тайлоқ, Ромитон туманлараро иқтисодий судлари, Оқолтин, Тайлоқ, Бухоро туман маъмурий судлари ҳамда жиноят ишлари бўйича Тайлоқ туман суди фаолияти билан яқиндан танишишди. Пресс-тур давомида иштирокчиларга судлар фаолияти, суд тизимида жорий этилаётган янги ахборот технологиялари ва уларнинг афзалликлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.



БМТ Кенгашининг махсус маърузачиси Ўзбекистонга ташриф буюрди

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистон Республикасига ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Козимжон Камиллов билан учрашди. Учрашув давомида меҳмонга мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, бу борадаги қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, суд тизими тузилмасини тубдан такомил-

лаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, судлар фаолиятида шаффофлик ва очикликни таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилди. Ташриф доирасида БМТ Кенгашининг махсус маърузачиси бошчилигидаги делегация Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги судларни ҳам кўздан кечирди ва улар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Жиноят ишлари бўйича судлар фаолияти

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ↓ 7%*



Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллашни рад этилган ↑ 38%



Жиноят кодексининг 235-моддасига мувофиқ айблов ҳукмларининг миқдори



Оқланган шахслар ↓ 1 %



Озодликдан маҳрум қилиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилган ↓ 18%



Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахслар:

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганлар ↓ 39 %



Суд залидан қамоқдан озод қилинган ↓ 6 %




Ярашувга асосан тугатилган




2018-йил кўрсаткичларига нисбатан %

Маъмурий судлар фаолияти



Иқтисодий судлар фаолияти



Фуқаролик ишлари бўйича судлар фаолияти

136 612 ↓24%
та

Ишлар
қаноатлантирилган

25 715 ↓16%
та

Ишлар рад этилган

17 308 ↑3%
та

Ишлар кўрмасдан
қолдирилган

Кўриб чиқилган
жами ишлар
188 282 ↓36%
та

8 647 ↓36%
та

Ишлар иш
юретишдан тугатилган

6 431 ↓36%
та

ишлар ўзаро
келишув битими
асосида тугатилган



88 655 ↓36%
та

Суд буйруғи

42 305 ↓9%
та

Никоҳдан ажратиш

93 131 та

Бошқа низолар

24 782 ↑22%
та

Кредит шартномасидан
келиб чиқадиган низолар

52 та

Чет эл давлат суди
ёки ҳакамлик суди
қарорини тан олиш ва
ижрога қаратишга
доир кўриб
чиқилган ишлар

11 839 ↑16%
та

Қарзни ундириш

15 та иш рад этилган

4 499 ↑4%
та

Болани фарзандликка олиш

37 та иш
қаноатлантирилган

5 038 ↓23%
та

Уй-жойдан фойдаланиш
ҳуқуқини йўқотган деб топиш

1 786 ↓18%
та

Уйдан кўчириш

4 850 ↓24%
та

Ўзбошимчалик билан қўрилган
уй-жой ёки қурилмани бузиш

Суд ҳужжатлари ижроси

43,4%


Ижро қилинмаган

56,6%

Ижро қилинган

Жами ижро ҳужжатлари
688 698 та





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ
ҲИСОБОТИ

20/
19 йил